

## VII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

**Юк ташиш.** Автомобиль транспортида 26,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 0,7 млн. тоннага кўпдир. Юк айланмаси 589,5 млн. тн-км га етди ва бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 32,0 млн. тн-кмга кўп демакдир.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 99,0 % бўлиб, 139,2 млн. тн-км ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 23,6 % ни ташкил этди (2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 25,2 %).

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг юк ташиш бўйича улуши 91,5 % ни ташкил этган.

### Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича ифодаланиши

	2020 йил январь-декабрь	2019 йил январь-декабрь ойларига нисбатан, % да
Ташилган юк, млн. тн.	26,0	102,6

*шу жумладан:*

Автомобил транспортида	26,0	102,6
Юк айланмаси, млн. тн-км.	589,5	105,7

*шу жумладан:*

Автомобил транспортида	589,5	105,7
------------------------	-------	-------

**Йўловчи ташиш.** 2020 йил январь-декабрь ойларида барча транспорт турлари томонидан 406,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 88,2 % га кўпайган.

### Йирик корхоналар бўйича:

Вилоятда кузатилаётган даврда автотранспорт иши бўйича ҳажмли корхоналар сони 45 тани ташкил этиб, улар томонидан қуйидаги асосий кўрсаткичлар шаклланди:

**Ташилган юклар** ҳажми 1,1 млн. тонна, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 159,5 % ни ташкил этди (жами вилоятда ташилган юклар ҳажмидаги улуши 4,4 %);

**Юк айланмаси** ҳажми 45,6 млн. тн-км, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 133,1 % ни ташкил этди (жами вилоят юк айланмаси ҳажмидаги улуши 7,7 %);



**Ташилган йўловчилар** ҳажми 6,1 млн. йўловчи, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 46,7 % ни ташкил этди (жами вилоятда ташилган йўловчилар ҳажмидаги улуши 1,5 %);

**Йўловчи айланмаси** ҳажми 255,4 млн. йўловчи-км, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 120,1 % ни ташкил этди (жами вилоят йўловчи айланмаси ҳажмидаги улуши 3,2 %).



Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 90,1 % га кўпайиб, 7887,9 млн. йўловчи-км ни ташкил қилди.



Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг йўловчи ташиш бўйича улуши 98,2 % ни ташкил этган.

**Кичик бизнеснинг  
йўловчи ташишда  
улуши**

**• 98,2 %**

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 89,3 % бўлиб, 7591,8 млн. йўловчи-км ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 96,2 % ни ташкил этди. (2019 йил январь-декабрь ойларида 97,1 %)